

Ўзбекистонни БМТда шарманда қилган депутат

Сафар Остоновга очик хат

(Фельетон)

Сафар ака!

Исмингиз олдига “хурматли” эпитетини қўймоқчи эдим, қўлим бормади. Мақолангизда “жўжабирдай” газетамизга ҳам тош отганингиздан сўнг сизни хурматласам бўлмас.

Орқаваротдан “бу дордан қочганларнинг газетасини ёпиш керак” деган гапларингизни эшитиб эътибор бермас эдим, энди тилингиздаги гаплар матбуотга кўчибдики, энди жавоб ёзмасам бўлмас.

“Ўзбекистонимизга зиёнингиз тегмасин” деган “шов-шувли” мақолангиз менга 16 йил бурун ёзган бошқа битикларингизни эслатди. Бу шов-шувли мақолани, тўғрироғи фельетонни сиз 2004 йил 20 майда газетангизда эълон қилгандингиз.

Мақола “Холвани ректор, калтакни студент ейдими?” Ёки давлат бюджетидан ажратилган маблағлар айрим жойларда қандай талон-тарож қилинаётгани ва ўғирланаётгани ҳақида” сарлавҳаси билан чоп этилган.

Сиз ўша фельетонни ёзаётганингизда “Термиз Давлат Университети” ректорини фельетон қилаётганингизда лоақал унинг объекти бўлган ИНСОН билан яхшилаб танишиб чиққанмидингиз?

Мен бу олим билан яхши таниш эдим.

Хидирназар Аллақулов – иқтисод фанлари доктори, профессор, ўз соҳасининг етук билимдони, иқтисодга оид қўллаб-қўллайдиган илмий рисола ва монографиялар муаллифи, маънавият жонкуяри.

Ёдимда бор, раҳматли Тоғай Мурод вафот этганида унга нисбатан ўша пайтдаги Сиз хизматига доимо “лаббай” деб турадиганингиз — қаттақон идоранинг ёвқарашини билгани учун Сурхондарёнинг ҳокимию, бошқа амалдорлари ўзларини четга олганда “вилоят ахлидан” деб, ёнидан яқинда ёзган дарслиги учун олган “мўмайгина” қалам ҳақини Маъсума опага келтириб берган ҳам, Рўзи Чориев вафот этганида вилоят амалдорларининг “тўсатдан иши чиқиб қолганида” самолётда “югуриб” келган ҳам шу инсон. Мен бу олим билан “Шарқ юлдузи” журналида ишлаётган кезларим танишган эдим. Ўша йиллари “Юксак маънавият – энгилмас куч” китобини ёзиш билан машғул бўлган сизнинг Биринчи Президентингиз маънавиятни ҳаёлидан фаромуш қилган кезлар эди. Маънавий ҳаётнинг кўзгуси бўлган “Шарқ юлдузи” журнали эса замонасига яраша чўнтакка сиғадиган блокнот даражасига тушиб қолган эди. Журнални бу ботқоқликдан чиқариш учун кўп амалдорларга эланганмиз. Ўшанда Хидирназар Аллақулов журналга ёрдам берган кам сонли амалдорлардан бири сифатида унинг ҳислати ёдимда қолган экан. Домла у пайтда Тошкент Молия институти раҳбарларидан бири эди.

Х.Аллақулов Термизга ректор бўлиб ишга боргач, дастлаб университет талабалари таркибини текширади. Натигада тест синовларига мутлақо қатнашмаган ёки атиги 35 - 50 балл оралиғида бал-



Поймол бўлган ҳуқуқларини Ўзбекистонда тиклай олмагач, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти остонасигача борган Термиз давлат университетининг собик ректори — иқтисод фанлари доктори, профессор Хидирназар Аллақулов. У Сафар Остоновнинг иғвогарона фельетони туфайли ноҳақ ишдан олиниб, 16 йил азоб чекди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Х.Аллақуловнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ҳақида махсус қарор қабул қилди.

лар тўплаган бир неча юз нафарга яқин ёшлар, Х.Аллақуловга қадар ишлаган ректорларнинг 1997 – 2000 йилларда чиқарган сохта буйруқлари асосида ўқитилиб келинаётганлигини аниқлайди. Дахшат! Улар таркибида давлат грантлари асосида ўқийётганлар борлигини, бундан ташқари, қўшни хорижий давлатларнинг фуқаролари ҳар бир ўқув йили учун 2000 - 2500 АҚШ доллари миқдорида пул тўлаб ўқиш ўрнига Ўзбекистон бюджетидан, давлат грантлари асосида ўқитилган экан. Ваҳоланки, воҳанинг тест синовларидан юқори балл тўплаган, иқтидорли йигит-қизлари талабалikka қабул қилинмаган.

Виждонли бир зиёли сифатида ректор масалани Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонигача кўтариб чиқади. Муаммони ҳал этишларини сўрайди. Бироқ, орадан икки йил ўтса-да, муаммо ҳал этилмайди, очик қолдирилади. Негаки “балиқ бошидан сасиб бўлган” эди. Бугун энди маълум.

ТерДУдаги бундай жиноий қилмишларни МХХ, прокуратура, ИИБ, Сурхондарё вилоят ҳокимияти, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Молия вазирликлари, Президент девони билган. Лекин, ўзларини билмаганга олиб келишган. Аллақуловнинг шу масалани кўтариб чиққани эса уларга ёқмаган.

Оқибатда Абдулла Орипов айтмоқчи тўғригўйлар бир четга чиқарилиб, иғвогарлар эъзозлана бошланади.

2002 йилда ректор этиб тайинланганига қарамасдан, Сурхондарё вилоят прокуратураси Х.Аллақулов 1997-2000

йилларда сохта буйруқлар чиқариб, талабаларнинг ўқиб келишига ҳомийлик қилган деб, унга нисбатан айблов эълон қилади. Ваҳоланки, ўша даврларда Х.Аллақулов боя юқорида таъкидлаганимдек, Тошкент Молия институтида ишларди.

Машхур рус масалчиси А.С. Криловнинг “Бўри билан кўзичок” масали бўларди. Масалда “Уч йил бурун мени сўккан эдинг” дейди бўри ўтган йили туғилган кўзичокка.

2016 йилда Иқтидорга келганидан кейин Ш. Мирзиёев коррупцияга қарши жанг эълон қилди. Энг кўп коррупция олий ўқув юртида бўлиб, Ўзбекистон 180 та давлат ичидан коррупция жиҳатидан “фахрли” 158-ўринда эди.

Коррупцияни келтириб чиқарган, асосий омиллардан бири бу абитуриентларни талабалikka қабул қилиш жараёни билан боғлиқ.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда талабалikka қабул қилишда “очик бозор” шаклланди. Олий ўқув юртлирига қабул қилиш учун пора-пул миқдорлари белгиланди. Тест синовлари ўтказилган биноларда 1 август кунлари “бункер”лар ташкил этилди. Алоҳида гуруҳларга ажратилган абитуриентларнинг ҳаммаси талабалikka қабул қилинди. Ваҳоланки, тест ўтказилган биноларни МХХ ходимлари назорат қиларди. Оқибатда, билимли, иқтидорлилар бир четда қолиб, билими паст абитуриентлар талабалikka қабул қилинди.

Тест синовларидан кейин Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат режасидан ташқари олий ўқув юртлирига қўшимча ўринлар бериб келинди. Лекин, қўшимча ўринлар текинга берилмасди. Шу боис қатъий баллар кетма-кетлигида қабул қилиш қоидалари бузилди. Юқори балл тўплаган абитуриентлар қолиб, “пул берган” ота-оналарнинг фарзандлари талабалikka қабул қилинди.

Ўтган 27 йил давомида фарзандларини олий ўқув юртлирига киритиш учун пора бермаган оилалар Ўзбекистонда камчиликни ташкил этса керак. Коррупциялашган гуруҳлар фарзандлари талабалikka қабул қилинган аҳоли ҳисобидан қанча ҳаром бойликлар тўпламади, дейсиз! Қабул имтиҳонларига алоқадор бир амалдорнинг судида қатнашганим. Оғзининг бир четидан миллион долларлар чиқиб кетганини, судья бу пулларнинг манбаини сўраганида улар отасидан мерос қолганини айтган эди.

Олий ўқув юртлирида оддий ҳол бўлиб қолган бундай жиноий қилмишларга қўшилишдан Х.Аллақулов ўзини тияди. У ректор бўлган даврда университетда “бункер” ташкил қилинмаган, бирорта қўшимча ўрин олинмайди.

Аксинча, ректор талабалikka қабул қилишда адолатли усул қўллади. Контракт тўлови асосида ўқиш имкониятига эга бўлмаган абитуриентлар ҳисобидан ҳосил бўлган бўш (вакант) ўринларга талабалikka қатъий равишда баллар кетма-кетлигида қабул қилинди. Маҳаллий ОАВ, жумладан “Сурхон тонги” ҳамда

Сурхондарё вилоят телевидениеси ва радиоси орқали мунтазам эълонлар бериб борилди.

Бошқа бирон вилоят қўлламаган хислат эди бу!

Абитуриентларнинг уйларига телеграммалар юборилди. Оқибатда, университетнинг “бозор” бўлишига ўрин қолдирилмади. Суистеъмолчиларга барҳам берилиб, халқимизнинг билимли фарзандлари “ҳомийлар”сиз талабалikka қабул қилина бошланди. Агар шундай қилинмаганида, аниқки, 120 балл тўплаганлар бир ёқда қолиб, 60 балли “давогар” қинғир йўллар билан талаба бўлиб олган бўларди. Натигада Термиз Давлат Университетида қабул жараёни билан боғлиқ бўлган шикоятлару, гап – сўзларга ўрин қолмади.

Ректорнинг қўшимча ўринлар олишни рад этгани, боз устига, бўш ўринларни ОАВларида эълон қилгани ўзларининг ғаразли манфаатларини кўзлаб фаолият қилган коррупциялашган гуруҳларга ёқмаган. Чунки, бу усул барча олий ўқув юртлирига жорий қилингудек бўлса, уларнинг ғаразли манфаатлари йўлига ғов бўлар эди.

Ҳа, ректор Х.Аллақулов талабалikka қабул қилишда “инқилоб” ясаган эди. Афсуски ўша йиллари Ўзбекистондаги инқилобчининг жазоси нима эди? Балли! Юқори доираларда “инқилобчи” Аллақуловнинг устидан жиноят иши қўзғатиб, ишдан олишга “келишилди”, бунга бироз вақт, баҳона ва битта “заказ сомса” – буюртма фельетонлар ёзиб юрадиган иғвогар “журналист” керак эди холос.

Ўша йиллари ҳукуматнинг юргизган нотўғри иқтисодий сиёсати туфайли ва банк муассасаларининг айби билан профессор-ўқитувчилар иш ҳақи ва нафақаларини, талабалар эса стипендияларини уч-тўрт ойлаб ололмадан овра бўлишди. Натигада, университет жамоасидан ҳукуматга шикоятлар келиб тушди.

Университетдаги нопокликларни содир этганлар, илгариги “имтиёз”ларидан маҳрум бўлганлар, қинғирликларга қўл урганлар ва уларга ҳомийлик қилган кимсалар ректорни обрўсизлантириш ва лавозимдан кетказиш учун бирлашадилар. Улар бу борада университетдаги нопокликлардан манфаатдор бўлган коррупциялашган гуруҳнинг фаол аъзоси ва содир этган қилмиши учун устидан жиноят иши қўзғатилиб, судга оширилган Иқтисодиёт факультети декани ўринбосари Сулув Ҳамидовнинг аламзадалигидан фойдаланишди.

Ариза – шикоят ёзиш ёки ёзмаслик ҳар бир фуқаронинг дахлсиз ҳуқуқидир. Бироқ, ақл – идрокли, маънавий олами кенг шахслар, қолаверса, жамоатчилик фикрининг кўзгуси бўлган вақтли матбуот ходимлари холис бўлишлари, ўз вазифасига ҳамиша масъулият билан ёндашишлари лозим.

С. Ҳамидова томонидан Х.Аллақуловнинг “жиноий фаолияти” ҳақида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари (собик) Р.Азимовга йўлланган телеграммадаги маълумотлар текширилмасдан туриб, Р.Азимов “Телеграммада кўрсатилган ... салбий ҳолатларни содир этган ҳамда содир этилишига йўл қўйган раҳбар ва маъсул шахсларни жавобгарлигини

аниқлаб ва асосланган фактларни ҳуқуқни назорат қилувчи органларга тақдим этишингизни сўрайман” деб тегишли вазирликларга кўрсатма беради. Молия органлари билан Сурхондарё вилоят прокуратураси бир университет фаолиятини текширади. Оқибатда, тафтиш “натижалари”га кўра университетнинг мансабдор шахсларига нисбатан 26.04.2004 йилда... жиноят иши кўзга тилиди.

Сафар ака! Сиз эса ўшанда С. Ҳамидовнинг нолишлари битилган шикоят хатини қурол қилиб олиб “Республика прокуратураси дикқатига” деган таҳдидли рукн остида “ҲОЛВАНИ РЕКТОР, КАЛТАКНИ СТУДЕНТ ЕЙДИМИ? Ёки давлат бюджетидан ажратилган маблағлар айрим жойларда қандай талон-торож қилинаётгани ва ўғирланаётгани ҳақида” сарлавҳаси билан 20.04.2004 йилда фельетон эълон қилдингиз.

Х.Аллакулов ректор лавозимига тайинланганига қадар ТерДУда содир этилган жиноий қилмишларни ҳамда ҳуқуқнинг нотўғри иктисодий сиёсати туфайли ва банк муассасалари айби билан иш ҳақлари ва стипендияларнинг тўланиши кечиктирилишини Х.Аллакуловнинг ўзига тўхмат қилиб чапладингиз.

Сурхондарё вилоят прокуратураси эса фельетонда эълон қилинган маълумотларни Х.Аллакуловга нисбатан эълон қилинган айбловлардан иккита эпизоди учун тўғридан-тўғри асос қилиб олди. Шов-шувли фельетон туфайли “жиноят иши”ни Бош Прокуратура алоҳида назоратга олди.

Ваҳоланки, қонун талабига кўра суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан кейингина шахснинг айбдор ёки айбсизлиги ҳақида мағбуотда ёзиш мумкин. Лекин сиз айбсизлик презумпцияси талабларини менсимасдан, ҳали суд ҳукми ўқилмаган ҳолда Х.Аллакуловни “жиноятчи, бош айбдор” деб эълон қилдингиз.

Фельетонингизда Жиноят Кодексининг 167, 205, 207, 209-моддаларида кўзда тутилган ва жиноий жавобгарликни берадиган, “Ректор Х. Аллакулов ўз манфаати учун буйруқни қалбақлаштирган, ректор ўз мансабини суиистеъмол қилиб буйруқларни хоҳлаган муддатларда амалга оширади, ректор Х.Аллакуловнинг жиноят ишлари ҳақида, ректорнинг ноқонуний ишлари ҳақида” каби кўплаб юридик ибораларни тахлаб ташладингиз.

16 йил бурунги “фельетон”ингиз шарофати билан Х.Аллакулов ишдан олинадди.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг туман судларидан бошлаб Олий суд билан мамлакатнинг 8 та ҳудудларида жойлашган жами 14 та суднинг судьялари уч йил мобайнида Х.Аллакуловни суд қилишди. Бироқ, ушбу судларнинг барчаси олимни айбсиз деб топди ва 2006 йил 23 февралда оқлов ҳукми чиқариб, эълон қилди.

Протестлар, шу жумладан Бош прокуратуранинг икки марта киритган протестлари судлар томонидан рад этилиб, оқлов ҳукми уч марта ўз кучида қолдирилди ва 2007 йил 5 июнда узил-кесил қонуний кучга кирди. Жиноят-процессуал кодексининг 304-313 моддалари тартибда Х.Аллакуловнинг ҳуқуқлари тикланиши ва унга нисбатан етказилган зарар қопланиши лозимлиги судлар оқлов ҳукмида алоҳида кўрсатилган.

Суд оқлов ҳукми билан бирга Ва-

зирлар Маҳкамасига “Х.Аллакуловнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини тиклаш мақсадга мувофиқ ва лозим” деган мазмунда хат киритди. Бироқ, оқлов ҳукми ва суднинг хати мутлақо эътиборсиз қолдирилди.

Х.Аллакуловга нисбатан эълон қилинган айбловлар бўйича университетнинг йигирма нафар мансабдор шахслари, шу жумладан Х.Аллакуловга қадар ишлаган уч нафар ректорлар судлар томонидан айбдор деб топилди. Бундан ташқари университет маблағларини талон-торож қилган фирма раҳбарларига нисбатан жиноят иши кўзга тилиш ҳақида суд ажрими чиқарилди.

Ҳақиқат эгилди, букилди, аммо синмади. Лекин ...

Ана шу “лекин” ортида гап кўп-да”. Сафар ака! Сиз журналистика этикасига хилоф равишда ҳақиқий ҳолатни аниқламасдан туриб, гапнинг “индалло”сини эшитишни истамай қалам сермадингиз. Ваҳоланки, қаламнинг сермови қилич-никидан ёмон бўлишини шу мақоламни ўқиётганингизда танангизда илк бор ҳис қилаётгандирсиз энди.

Қарийб бир саҳифани тўлик эгаллаган “Ҳолвани ректор, калтакни студент ейди ми?” сарлавҳали “фельетон” ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, тажрибали бош муҳаррирнинг ижоди эмас, балки маҳқум устидан ёзилган айблов ҳулосасини ўқиётган прокурорнинг сўзларига ва ёки жиноят ишлари бўйича судьянинг чиқарган қоралов ҳукмига ўхшаб кетади. Гарчи, фельетон коррупциячи гуруҳларга “қурол” бўлган “мушгипар”нинг шикоятига ва ноҳолис вазирликларнинг ахборотномасию, маълумотларига адвокатларча ёндошиб ёзилган бўлса-да, мазкур фельетон ТерДУнинг нуфузини кўтаришга, уни мамлакатимиздаги илғор олий ўқув юрғларидан бирига айлантиришга интилган бир ИНСОНнинг аввал лавозимидан четлаштирилиши кейин эса 16 йилга терговма-тергов, судма-суд, Халқаро ташкилотларда саргардон кезишига сабаб бўлди.

Эълон қилинган “фельетонингиз шунчаки ҳали газетачиликнинг паст-баландини яхши билмайдиган, муҳбирлик фаолиятини эндигина бошлаётган ҳаваскор ижодкорнинг йўл қўйган хатоси эмас, балки, “тажрибали” журналистнинг онгли тўхматлари йиғиндисидир.

Сиз эса орадан нақд беш ой ўтиб, тагин ўша сарлавҳа билан 28.09.2004 йилда мавзуга қайтиб, иккинчи фельетонингизни эълон қилдингиз.

Х.Аллакулов устидан суд жараёнлари ҳали тугамаганига қарамадан, “Нега ректорга нисбатан қонуний чора кўрилмаган, нега бош айбдор четда қолиб, бошқалар жазоланган? Нега ректорнинг қилмишлари, университетдаги талон-торожликлар газетда ошқор этилмагунча ректор ўз ўрнида ишлаб келаверган. Ректорга чора кўриш учун университетда бир эмас ўнлаб қонунбузарликлар содир этилган эди-ку!? Демак унинг ортида ишонган “тоғи” бўлган. Оқибатда ректор кўркмасдан ўз “фаолияти”ни давом этдираверган. Қаранг, қонунсиз иш қилаётган одамга қимнингдир, қайси бир амалдорнинг қалқон бўлиши жамиятга қанчалик зиён келтирмоқда...” деб, суддан олдин “ҳукм” ўқидингиз!

<https://sputniknews-uz.com> сайтида 2018 йил 3 июль куни эълон қилинган “Собиқ ректор Аллакуловнинг Мирзиёевга мурожаатига муносабат” сарлавҳали мақоласида фалсафа фанлари доктори, профессор Шомат Соматов:

«Ушбу материални ўқиб ҳам қувондим, ҳам қунондим. Мен ҳаётимнинг кейинги 46 йили давомида Термиз давлат университетида ишлаган барча ректорларни жуда яхши биламан. Булар орасида иктисод фанлари доктори, профессор Хидирназар Аллакулов ўзгача. У атиги 2 йил ишлаганига қарамадан Сурхондарё вилояти халқи, айниқса ТерДУ жамоасининг абадул-абад ҳурматида сазовор бўлди. Ўзининг ўта ишчанлиги, меҳнат-севарлиги, одамлар билан дилкашлиги, фидойилиги, жасурлиги, мардлиги, энг муҳими ҳалол ва поклиги, кенг маънода инсонийлигини намоён этди. У йиллар давомида тўпланиб қолган аянчли ҳолатни қисқа вақт ичида тозалаш имкониятини яратди. Буни ҳақиқий жасорат деса бўлади. Жамоа уни қўллаб-қувватлади.

Афсус...минг афсус ана шундай чакнаб турган машъала, ҳеч қандай айбсиз, бир тўда харомтомоқлар фатвоси билан сўндирилди. Х.Аллакулов ёққан эзгулик машъаласи, ўша унсурлар ҳомийлигида кейинги 10 йилда сўндирилди.

Бундан халқ ҳам, жамият ҳам катта зиён кўрди. Коррупция авжига чиқди. Қонунбузарликлар авж нуктага чиқди. ...» – дебди олимимиз.

Суднинг оқлов ҳукми қонуний кучга киргач, шаъни ва кадр-қиммати учун раддия эълон қилишни сўраб, Х.Аллакулов сизга мурожаат қилибди. Лекин сиз дағдага билан: “... Биз қўлимизда тўпланган ҳужжатларнинг бир қисмидан фойдаландик, холос. Агар зарурат бўлса, мавзуга яна қайтишимиз ва суд ҳукми бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришимиз мумкин. Ушбу жавобимиз сизга маъқул бўлмаса, судга мурожаат қилишингиз мумкинлигини маълум қиламиз” деб жавоб хати юборди.

Бежизга дағдага қилмаган экансиз. “Ўзбекистон овози” газетасининг 28.05.2009 ва 16.07.2009 йиллардаги сонларида мақолалар эълон қилиб, оқлов ҳукмини ҳам танқид қилдингиз ва қонунийлигини шубҳа остига қўйдингиз.

Ваҳоланки, “жиноят иши”ни бир эмас, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг туман судларидан бошлаб Олий суд билан 14 та суднинг судьялари уч йилдан зиёдроқ мобайнида қайта кўриб чиқишган эди. Асос бўлмаганлиги учун прокуратуранинг протестлари рад этилиб, оқлов ҳукми уч мартаба қайта тасдиқланди. Аммо сиз “негадир” суднинг оқлов ҳукми ва уни тасдиқлаган ажримларини тан олдингиз келмади. Нима, сиз суд ҳокимиятидан ҳам юқори ваколатга эгамисиз?

Фуқаролик ишлари бўйича (ФИБ) Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судига Х.Аллакулов раддия эълон қилиш бўйича даъво аризаси киритди. Суд 12.11.2008 йилда ҳал қилув қарори қабул қилиб, газетангизнинг навбатдаги сонидан раддия бериш мажбуриятини сизга юкледи. Бундан ташқари, суд сизга нисбатан ҳусусий ажрим чиқариб, “Ўзбекистон овози” газетаси муассиси Ўзбекистон Халқ Демакратик Партияси Марказий Кенгашида гайриқонуний ҳапти-ҳаракатларингизни муҳокама қилишни тайинлади.

Аммо, қонуний муддат ўтсада сиз қасдан суднинг ҳал қилув қарорини бажармадингиз.

Аксинча, ФИБ Тошкент шаҳар суди ва Олий судга шикоятлар киритдингиз. Аммо шикоятларингиз рад этилиб, раддия эълон қилиниши шартлиги ҳақида ФИБ Тошкент шаҳар кассация судлов

хайъатлари 16.01.2009 йил, 11.09.2009 йил ва 13.10.2009 йилларда ажримлар қабул қилди.

Лекин сиз қайсарликда давом этиб, қасдан яна суд ажримлари талабларини бажармадингиз.

Тошкент шаҳар Миробод туман Суд ижрочилари бўлими 10.02.2009 йилда сизга: “... Раддия бериш мажбурияти “Ўзбекистон овози” газетаси тахририяти зиммасига юклаш белгиланган... Мансабдор шахсларига ижро ҳужжатида кўрсатилган талабларни бажариш учун уч кун муддат тақлиф этилсин... Бажарилмаган тақдирда ... энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробаридан ўн беш баробари миқдоригача жарима жазосига тортилиши ҳамда мазкур қонуннинг 77-1-моддасига асосан номулк муносабатларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан ижро йиғими ундирилиши тўғрисида огоҳлантирилсин. Суд ҳужжатини ижро этмаслик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 232-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин” деб хат берди.

Тошкент шаҳар Миробод туман Суд ижрочилари бўлими эса 16.02.2009 йилда: “... белгиланган ихтиёрий муддат ичида суд қарори ижроси таъминланмаганлиги сабабли “Ўзбекистон овози” газетаси тахририятига энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан ижро йиғими ҳамда бош муҳаррир Сафар Остоновга энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан жарима жазоси қўлланилди” деб хабарнома берган эди.

Тошкент шаҳар Миробод туман Суд ижрочилари бўлими сизга 21.04.2009 йилда: “... Ижро иши натижаси ҳақида 2009 йилнинг 24 апрел куни соат 11:00 га қадар туман суд ижрочилари бўлимига ёзма маълумот тақдим этишингиз талаб қилинади. Суд ҳужжатини ижро этмаслик Ўз.Р.ЖКнинг 232-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантирилсин” деб хат берган.

Тошкент шаҳар Миробод туман Суд ижрочилари бўлими Миробод ва Тошкент шаҳар прокуратураларига 27.04.2009 йил ва 05.10.2009 йилда: “... Қарор нусхаси 2009 йил 11 феврал куни қарздор “Ўзбекистон овози” газетаси тахририятига топширилган... Ҳамда ижро учун уч кун муддат белгиланиб, суд қарори ижро бўлмаслиги жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантирилган... бажарилмаганлиги сабабли 2009 йил 16 феврал куни “Ўзбекистон овози” тахририятига энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан ижро йиғими ва бош муҳаррир Сафар Остоновга энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан жарима жазоси қўлланилган... Бироқ, тахририят ва бош муҳаррир С.Остонов томонидан белгиланган муддат давомида суд қарори ижроси таъминланмаган ҳамда бунинг сабаблари ҳақида бўлимга маълумот тақдим этилмаган. Юқоридагиларга кўра, сиздан суд қарори ижросини таъминламаган “Ўзбекистон овози” газетаси тахририяти мансабдор шахсларига нисбатан қонуний чора кўришингизни сўраймиз” деб хатлар ҳам юборган.

Бироқ, Тошкент шаҳар прокурори Баҳриддин Валиев ФИБ Тошкент шаҳар суди Раёсатига 30.10.2009 йилда ФИБ Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг раддия эълон қилиш шартлиги ҳақидаги 2009 йил 11 сентябрдаги ва 2009 йил 13 октябрдаги ажримларини

бекор қилиб, иш бўйича иш юритишни тугатишни сўраб, протест киритди.

ФИБ Тошкент шаҳар суди Раёсати 29.12.2009 йилда Тошкент шаҳар прокурори протестини қаноатлантирди.

Ваҳоланки сизнинг шикоятларингизни илгари ФИБ Тошкент шаҳар суди ҳам, Олий суд ҳам рад этган эди. Яна ўша суд, ҳуқуқ тизимидаги ўйинлар, цирк томошалари...

Аммо, Тошкент шаҳар прокурори Б.Валиев протести бўйича ФИБ Тошкент шаҳар суди Раёсати ва прокуратура бирлашиб, Х.Аллакуловни раддия эълон қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишди.

Ўзбекистонда адолатни тополмаган Х.Аллакулов шаъни, ор-номуси ва кадр-қиммати учун БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 1966 йилда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда ратификация қилган, қўшилган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” (келгусида - Пакт) номи билан аталувчи конвенция билан берилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига мурожаатномани тақдим этади ҳамда ишга тиклаш ва раддия эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилишни сўрайди.

БМТ Қўмитаси 2017 йил 3-28 июль кунлари Женевада бўлиб ўтган 120-сессиясида мурожаатномани кўриб чиқиб, 19 июлда ҳулосалар ва қарор қабул қилди.

Қарорда: «Қўмита факультатив протоколнинг 5-моддаси 4-бандига мувофиқ иш кўриб, унга тақдим этилган фактлар иштирокчи-давлат (Ўзбекистон) пактнинг 14-моддаси 1-бандини, 2-моддаси 3-банди билан биргаликда ва пактнинг 17-моддасини алоҳида ва 2-моддаси 3-банди билан биргаликда бузганлиги ҳақида далолат беради деб ҳулоса қилади», — деб ёзилган.

Қарорда: «Пактнинг 2-моддаси 3-бандига мувофиқ иштирокчи-давлат Х.Аллакуловга ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларини тақдим этиши шарт. Бу пактда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқлари бузилган шахсларга тўлиқ ҳажмда қоплашни талаб қилади. Ушбу ҳолатда иштирокчи-давлат, жумладан:

а) Х.Аллакуловга адекват, яъни тўлиқ ҳажмда компенсация тақдим этиши, шу жумладан маҳрум бўлган иш ҳақи ва олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари ва унинг обрўсига етказилган зиён, судда ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатлари ва ушбу Тақдимномада кўрсатилган бузилган ҳуқуқлари учун; б) Х.Аллакуловга унинг обрўси, шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўси тикланиши учун сатисфакция (қониқиши)нинг тегишли воситаларини шаҳар судининг 2009 йил 16 январь кундаги қарорига мувофиқ тақдим этиши шарт. Шу билан бирга иштирокчи-давлат келгусида бундай ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун чоралар кўрмоғи шарт.

Иштирокчи-давлат факультатив протокол иштирокчисига айланиб, Қўмитанинг Пактнинг бузилган ҳолатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш ваколатини тан олганлиги, Пактнинг 2-моддасига мувофиқ иштирокчи-давлат ўз ҳудудидаги ёки юрисдикциясидаги барча шахсларга Пактда тан олинган ҳуқуқларни таъминлаш ва ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда самарали ва бажарилиши шарт бўлган ҳуқуқий ҳимоя воситаси билан таъминлаш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб, Қўмита иштирок-

чи-давлатдан 180 кун ичида Қўмитанинг мулоҳазаларини амалга ошириш учун кўрилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот олишни истади. Иштирокчи-давлатга Қўмитанинг мулоҳазаларини чоп этиш, иштирокчи-давлатнинг расмий тилларига таржима қилиш ва кенг тарқатиш таклиф этилади» деб ёзилган.

Таъкидлаш жоизки, БМТ Қўмитаси Сизнинг қилмишларингизни Ўзбекистон ҳукуматининг қилмишлари тарзида муҳокама қилди. Хулосалар қилиб, қарор қабул қилди.

Сиз ўз қилмишларингиз билан Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда шаклланаётган нуфузи ва ўзбек халқининг обрўсига зиён етказдингиз.

Энди эса орқангиздан шунча пашшалар изғиб юргани етмагандек яқинда “Ўзбекистонга зиёнингиз тегмасин” деб яна бир “шов-шув”ли мақола эълон қилдингиз. Мақолангизда миллатимизнинг икки ойдинига тош отибсиз. Уларнинг ҳимоямга муҳтож бўлмагани учун жавобларни ўзларидан эшитарсиз. Фақат ундаги баъзи даъволарингизга эътирозим бор.

Сиз унда Жаҳонгир Маматов ва Муҳаммад Солихларга мурожаат қилиб шундай ёзибсиз: “Сизлар тўхтовсиз равишда марҳум биринчи Президентимиз ҳақида куракда турмайдиган гапларни гапиряпсизлар, аввало ўйлаб кўринглар сизлар ким, Ислом Каримов ким? Яна юз йил яшасанлар ҳам, у киши юрт учун қилган ишларнинг мингдан бирини ҳам қилолмайсизлар”.

Биринчи Президентингизни сиздан кўра яхши биладиган икки арбобга қулоқ солайлик-чи, улар нима деркин?

Ўз пайтида Самарқанд, Наманган, Бухоро вилоятини бошқарган Назир Ражабов бу ҳақда эсдаликларидан шундай ёзади: “1992 йили Қозоғистоннинг ҳозирда марҳум раҳбари Динмуҳаммад Кўнаев Ўзбекистон иқтисодиётига хаваси келганини яширмаган эди. Ўша даврда Ўзбекистон иқтисодиёти Қозоғистонникидан 40 фоиз баланд эди. Каримов ва унинг каламушлари мамлакатни тугатди.

Давлат қотиби бўлиб хизмат қилган Раҳим Ражабов Каримов даврида халқ гадои даражасига тушиб қолганини ёзди.

Энди оддий халқнинг бир вакилига қулоқ тутайлик-а!

“Ёшим 81 да. 40 йил ўқитувчи бўлиб ишладим. Энди нафақадаман”, — дебди бизга ёзган мактубида Ургут тумани Мерганча қишлоғида яшовчи халқ таълими аълочиси, меҳнат фахрийси Нажмиддин Нурматов.

Шу умрим давомида қанча давлат раҳбарларини кўрдим. Сталин, Хрушчев, Брежнев, Черненко, Андропов, Гарбачев, Усмон Юсупов ва ниҳоят Каримов жаноблари.

Мустақилликка ҳам эришдик. Лекин бу осон кечмади. Муҳаммад Солих, Жаҳонгир Маматов каби зиёлиларимиз мустақиллик декларациясини қабул қилишда, айнан шу Каримов жанобларининг оғзидан телевизорда “Россиясиз қийналамиз, ажралмасак яхши бўлади” деган гапларни эшитганман. Кейинчалик у бир юмалаб мустақиллигимиз асосчиси бўлиб олди. Айни шу Каримов даврида ёшларимиз, ҳатто аёлларимиз ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб чет элларга мардикорликка жўнаб кетишди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам мардикор, энг ёмони аёллар мардикор бозорлари, фоҳишахоналар пайдо

бўла бошлади. Минг йиллик тарихимизда бунақа шармандагарчиликлар бўлмаган. Самарқанд шаҳрида иккита, туманимиз марказида битта мардикор бозори ишлаб турибди. Мардикорлик орқасидан чет элларга жўнаб кетган ёшларимиздан қанчаси йўлда, ишда фожияли ҳалок бўлди, майиб-мажруҳлари қанча... Жияним Алишернинг 30 ёшида чет элдан тобути келди. Яна битта жияним – Тўлқин Россияда мардикорчиликка бориб умурткаси синди. Замбилда олиб келинган бу жияним 12 йилдирки тўшаққа миҳланган.

Каримов даврида юзлаб завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар арзимас пулларга қаллобларга хусусий мулк қилиб берилди, натижада ҳозирги кунга келиб улардан ном-нишон ҳам қолмади. Сотиб юборилди. Каримовнинг болалари миллиардлаб АҚШ долларларини ўзлаштириб, давлатни талон-тарож қилди. Жаноб Каримовнинг ўзлари эса аразқаш, гажирлигидан (гажир бировларни кечиролмаслик, қасдини олмагунча қутулмаслик) қанча зиёлиларимиз, арбобларимиз чет элларга бош олиб кетишди. Қамалганлари қанча-ю.

Унинг гажирлиги туфайли қўшни республикалар, кадрдон халқларимиз билан борди-келдини йўқотдик. Водийга тўғри йўл туриб 200-250 км зиёд йўл босишга мажбур бўлдик. Қамчиқ довлари қурилишига миллиардлаб пул сарфланди. Қанча ёкилги кетди, асабларимиз ишдан чиқди. Ўйламасдан қатор коллежлар қурдик. Ўқитувчи бўлганим учун коллежлар фаолиятдан хабарим бор. Коллежлар чала кадрларни тайёрлади. Оилаларда ортиқча чиқим бўлди. Ҳеч бир коллеж ўзини оқламади. Яхшиямки Мирзиёев иқтидорга келиб мавжуд аҳвол яхши томонга ўзгара бошлади”, деб хатини яқунлабди оқсоқол.

Дарвоқе, сиз мақтаган Каримов замонига атоқли шоиримиз Абдулла Орипов шундай ашъор битган. “Ватаним” деб номланган бу ҳаққоний шеърга албатта сизники каби “доно” газеталардан минбар топилмаган. Минбарни “Адабиёт” газетаси берган. Шеърда шундай сатрлар бор эди:

Ҳар кўчада минг миршаб
Ҳар гўшада авахта.
Ҳақ деганнинг оғзи берк.
Қон ютар лахта-лахта.
Ўзику пахта эккан,
Ёстиги бўлди тахта.
Ёвузларнинг қўлида
Гулдай ватаним қолди,
Бошида паноҳи йўқ
Тулдай ватаним қолди.
Тўғригўйлар бир четда,
Эъзоздадир иғвогар.
Қайтдик ўрта асрда,
Одам пуллар савдогар.
Минг йиллик хазинангни
Талаб ётар ўғри, ғар.
Ёвузларнинг қўлида
Гулдай ватаним қолди,
Бошида паноҳи йўқ
Тулдай ватаним қолди...

Сизнинг кейинги мақолангиздаги қуйидаги жумлалар эътиборимни тортди. Унда сиз “оилангни, яқинларингни овра-ю, сарсон қилгандан кўра ўз юртингда қамалганинг яхши эмасмиди”, — дебсиз.

Сафар ака! Шу гапингизга фариталар “омин” деган кўринади. Х.Аллакулов билан боғлиқ Сизга нисбатан судлар томонидан чиқарилган ҳукм асосида тергов органи айблов ҳулосасини тузса, бу 15 та эпизоддан иборат бўлади. Улардаги жазо муддатини

кўшса камида 45 йилга қамалишингиз керак энди. Қонунларимиз шунақа. Ишонмасангиз Жиноят Кодексининг ўзингизга тааллуқли бандларини чўтга солиб, ҳисоблаб чиқинг.

Қонунлар, қонунларга итоат ҳақида гапиришни яхши кўрасиз-ку. Қонунларга итоат қилиб, суд ҳукмига бўйсунасизми, Остонов! “Чет элга қочгандан кўра ўз юртингда қамалганинг яхши”, дейсизми? Муддатингиз қатта экан, бахтингизга Жаслик ёпилиб кетди. Лекин Шайхали, Олмалиқ колониялари ҳали ишлаб турибди. Танланг бирини!

Кўрқиб кетдингиз-а? Бировга ўз юртингда қамалганинг яхши, дегандан кўра ўзингиз қамок нималигини ҳис қилиб, кейин ўша сўзларни бемалол ишлатишингиз дуруст бўлмасмиди?

Аллакуловни фельетонингиз билан қамок чегарасига олиб келиб қўйдингиз. Мен аминман, ўша олим қамалганида виждонингиз заррача қийналмасди, чунки қийналиши учун аввало ўша нарсанинг ўзи бўлиши керак. Сизда виждон бўлганда қилмишингиз туфайли 16 йил қон ютган бир покиза олимимиздан тиз чўкиб кечирим сўраган бўлардингиз! Муқаддас китоблар ҳақида гапирасиз мақолаларингизда. Муқаддас китобларда мусулмон бандаси ҳатто чумолининг уясини бузмаслиги кераклиги айтилган. Ваҳоланки сизнинг буюртма мақолаларингизу сохта фельетонларингиз оқибатида қанча оилалар бузилиб, сарсон бўлиб кетганини биласизми?

Кўркманг. Гарчи судда сизни қўшиб-чатиш йўли орқали 45 йилга қамаш ҳақида ҳукм чиқаришган бўлсада, шунча йилга қамалмайсиз. Чунки шунча йилга қамалсангиз, ҳозир 72 ёшда бўлсангиз, 117 ёшингизда озодликка чиқар экансиз. Давлатимиз, қонунларимиз адолатли. Қамокда ўзингизни яхши тутсангиз, намунали хулқингиз учун сизга белгиланган жазонинг учдан икки қисмини ўтаганингиздан сўнг, нари борса 100 ёшингизда оилангиз бағрига қайтишингиз имкон бор.

Сизни буюртма мақола ёзишга кўрсатма берган “акахон”ларингиз аралашса, авфга илиниб 90 ёшга етмай ҳам кўкрагингизга тоза ҳаво тўлиши мумкин.

Кўркманг, дарров қамалмайсиз. Бахтингизга бизда қонунларимиз яхши ишламайди. Қамалишингиздан олдин сизни аввало депутатлик мақомидан маҳрум қилиш учун Олий Кенгаш этика комиссияси раёсатга тавсиянома киритиши керак. Бурнингизга жилов солган “ака”ларингизга мўлтиллаб қарасангиз бунга йўл қўймасликларини мумкин. Энг кекса депутат сифатида айбингизни кечирингиз ҳам хайрон қолмайман. Ахир сиз кимларнинг хизматида “қамарбаста” бўлмадингиз?! Буёғини вақт кўрсатади.

P.S. Сиз ҳали суд ҳукми ўқилмай битган фельетонингизга “Бош Прокуратура диққатига!” деб алоҳида урғу берган экансиз. Мен эса шунча суд, қолаверса БМТ қароридан кейингина ёзилган мақоламга “Бош Прокуратура диққатига!” деб қўйдим.

Зеро, сизнинг жиноятингиз ЖК-205-моддаси билан квалификация қилинадими, у билан фақат прокуратура органи шугулланади. Биз улардан, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Олий Кенгашдан жавоб кутиб қоламиз. Дарвоқе, бизда қонунларни менсимайдиган, суд ҳукмларини икки пулга олмайдиган депутат – “қонун ижодкори”га эҳтиёж борми?! Буни ҳам вақт кўрсатади.

Бахтиёр КАРИМ